БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 121 (612)

22 ИЮНЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАРИ СОЮЗИНИНГ РАҲБАР АРБОБЛАРИ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

19 июнда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиўми Катта Кремль саройида Югославия коммунистлари союзининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган раҳбар арбоблари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Югославия Коммунистлари союзининг бош секретари ўртоқ Тито, Югославия Коммунистлари союзи Марказий Комитети Ижроия комитетининг аъзоси, ЮКС Марказий Комитетининг секретари Эдвард Кардель, ЮКС Марказий Комитетининг аъзолари Яков Блажевич, Велько Мичунович, Коча Попович, Миялко Тодорович ва Авдо Хумо ҳозир бўлдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан зиёфатда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Н. А. Муҳиддинов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Н. П. Фирюбин ҳозир бўлдилар.

Иккала партия вакилларининг зиёфати самимий дўстлик руҳидаги чинакам ўртоқлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқига давлат иши билан келганлиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматларининг

ҚЎШМА БАЁНОТИ

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг ва Ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига расмий визит билан келиб, бу ерда 1956 йил 1 июндан 23 июнгача турди.

Президент Тито Совет Иттифоқида бўлган вақтида ҳар иккала Ҳукумат вакиллари ўртасида бир қанча суҳбатлар бўлди. Суҳбатларда Югославия томонидан Президент Титодан ташқари, Иттифоқ Ижроия Вечеси Раисининг ўринбосари Эдвард Кардель, Ташқи ишлар Давлат секретари Коча Попович, Иттифоқ Ижроия Вечесининг Аъзоси Миялко Тодорович, Хорватия Халқ Республикаси Ижроия Вечесининг Раиси, Иттифоқ Ижроия Вечесининг Аъзоси Яков Блажевич ҳамда Югославия Федератив Халқ Республикасининг Москвадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичунович қатнашдилар. Суҳбатларда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян ва В. М. Молотов, СССР Ташқи Ишлар министри Д. Т. Шепилов, Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ҳамда СССРнинг Белгреддаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Н. П. Фирюбин қатнашдилар. Бундан ташқари, суҳбатларда: Югославия томонидан — Республика Президентининг бош секретари Иожа Вильфан ва Иттифоқ Ижроия Вечеси Раиси ўринбосари кабинетининг бошлиғи Антон Вратуша, Совет томонидан— СССР Ташқи ишлар министрлигининг Коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлими мудири вазифасини бажарувчи Қ. Д. Левичкин ҳозир бўлдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда, ошкорлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбатлар ўтган йил мобайнида халқаро аҳволнинг ривожланиб борганлиги тўғрисида, шунингдек ҳар иккала мамлакат ўртасида муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари устида кенг равишда фикр олишишга имкон берди. Фикрлашиб олиш халқаро аҳволнинг ривожланишига ва мавжуд халқаро проблемаларга баҳо беришда ҳар иккала Ҳукуматнинг нуқтаи назарида кенг ўхшашлик борлигини, шунингдек Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва дўстликни бундан буён ҳам кучайтиришга умумий истак борлигини кўрсатди.

1.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати халқаро кескинликнинг ўтган йил мобайнида янада юмшаганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Ҳар иккала Ҳукумат халқаро алоқаларнинг кенгайиб бораётганлигини ва бартараф қилинмаган халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш тенденцияси тобора кучайиб бораётганлигини халқаро кескинликнинг мана шундай юмшаганлигини кўрсатувчи белги деб табриклайдилар. Шу нарса якдиллик билан қайд қилиндики, бу соҳада тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг 1955 йил июль ойида Женевада бўлган Кенгаши муҳим роль ўйнади. Воқиаларнинг ўтган йил мобайнида ривожланиб бориши «совуқ муносабатлар уруши» вақтида тўпланиб қолган проблемалар тез ҳал қилинади, деб кутиш мумкин эмаслигини кўрсатган бўлса ҳам, аммо, ҳар иккала Ҳукуматнинг фикрича, халқлар ўртасида ишончни кучайтиришга ёрдам берувчи халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги ҳаракатнинг кучайганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фактдир.

Бу янги вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифаларини барча мамлакатларни ташкилий ва тенг ҳуқуқли равишда қатнаштириш йўли билан кўриб чиқишга ва муваффақиятли ҳал қилишга бўлган қобилияти ва кучи мустаҳкамланди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1955 йил август ойида Женевада чақирилган Конференциянинг муваффақияти ва атом энергияси бўйича Халқаро Агентлик тузиш ишларининг қулай шароитда бошланганлиги шу вазият билан чамбарчас боғлангандир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ролининг ва қобилиятининг кучайганлиги бу ташкилотга янги аъзолар қабул қилиниши муносабати билан уни универсал ташкилотга айлантириш йўлида эришилган муваффақиятларда ҳам ўз ифодасини топди. Ҳар иккала Ҳукумат, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Европа мамлакатларидан, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатларидан янги аъзолар қабул қилинганлигини табриклайдилар, Осиё ва Африка мамлакатларининг халқаро ҳаётда қатнашуви кучайиб бораётганлиги Бандунг Конференциясида ҳам ўз ифодасини топди. Бу эса шу қитъалардаги халқларнинг жаҳондаги тенг ҳуқуқли роли кучайишига ёрдам беради.

Бироқ ҳар иккала Ҳукумат Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллик қилиш ҳуқуқи шу вақтгача эътироф қилинмаганлигини афсусланиб қайд қилдилар ва шу буюк мамлакатнинг бу ҳуқуқи эътироф қилинишига эришмоқ учун зўр бериб ҳаракат қилаберадилар.

Ҳар иккала Ҳукумат шу нарсага аввалгидек аминдирларки, Тайвань ва бошқа ороллар масаласини Хитойнинг шу территорияларга бўлган қонуний ҳуқуқларига мувофиқ ҳал қилиш зарур.

Ҳар иккала мамлакат Ҳукуматларининг фикрича, «совуқ муносабатлар уруши» давомида бир-бирига қарама-қарши бўлган шундай нуқтаи назарлар вужудга келдики, ва шу қадар ишончсизлик тўпландики, бундай шароитда жанжаллик халқаро масалаларни ҳал қилишдаги ҳамма тўсқинликларни осонлик билан олиб ташлаш ва ҳамма проблемалар устида тез битимга келиш мумкин деб кутиш мантиққа тўғри келмайдиган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган иш бўлур эди.

Шунга биноан ҳар иккала Ҳукумат ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилиш мумкин бўлган масалалар устида битимга келишга интилмоқ зарур деб ишонгандирлар ва бамаслаҳат шу фикрга келдиларки, жанжалли масалаларни кўриб чиқишда шу масалалардан биронтасининг олдинроқ кўрилишини ёки тартибини белгилашни ҳамда шу масалаларни муайян суратда ҳал қилишни қисташ фойдали натижаларга олиб келиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан улар қуролсизланиш ва коллектив хавфсизлик масалаларини, шунингдек жаҳонга ва, жумладан Европага нифоқ солиб турган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳар иккала Ҳукумат қуролсизланиш проблемасининг инсоният келажаги учун бўлган бутун аҳамиятини назарда тутиб, бу масалани кечиктирмай ҳал қилмоқ учун шароит етилди деган фикрга келдилар. Шу билан бир вақтда улар қуролсизланиш тўғрисида лоақал қисман битимга келишнинг аҳамиятини уқтириб ўтдилар ва ҳар қайси давлатнинг ўз қуролли кучларини ўз билгича камайтириши бундай битимга келишни тезлатиши ва осонлаштириши мумкин деб якдиллик билан умид билдирадилар. Бу соҳада Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳукумати СССР ҳукуматининг қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартиш тўғрисида яқинда қабул қилган Қарорини умумий қуролсизланиш масаласини ҳал этишни енгиллаштиришга қўшилган катта ҳисса деб ҳисоблаб, бу қарорни табриклади.

Ҳар иккала Ҳукумат атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш инсониятнинг бундан буёнги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун даврашумул аҳамияти бор деб ҳисоблаб, бу соҳада халқларнинг тенг ҳуқуқли ва демократик ҳамкорлик қилишларига доир ҳамма формаларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш лозим деган фикрга келдилар. Шу сабабли улар атом энергияси инсониятнинг фақат тинчлик мақсадларига хизмат қилмоғи учун атом билан қуролланишни умуман тақиқлаш умумий мақсад бўлиши лозим деган фикрга ҳам келдилар.

Улар ҳозирги вақтдаги халқаро вазият «совуқ муносабатлар уруши» даврида Европа халқларининг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишларига тўсқинлик қилиб келган салбий элементларни бундан буён ҳам тугатиб бориш йўлида тағин ҳам қатъий қадамлар қўйишга имкон беради деб ҳисоблайдилар ва Умум Европа коллектив ҳавфсизлиги тўғрисида, иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алоқаларни кучайтириш тўғрисида тағин ҳам кенгроқ битимларга келиш Европанинг ҳарбий блокларга бўлинганлигини тугатишга ёрдам берган бўлур эди ва Европа халқларининг бир-бирлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишларини ривожлантириш йўлида турган асосий жанжалли масалаларни ҳал этишни енгиллаштирган бўлур эди деб ҳисоблайдилар.

Германия масаласига келганда, ҳар иккала Ҳукумат урушдан кейинги Германия территориясида иккита суверен давлат вужудга келган ҳозирги вақтда Германияни бирлаштирмоқ учун Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида музокаралар олиб борилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шунингдек улар бошқа давлатлар ва биринчи навбатда буюк давлатлар немис халқининг манфаатларини ҳам, умумий манфаатларни ҳам кўзлаб, шу йўлда ҳаракат қилмоқлари лозим деб ҳисоблайдилар.

Умумий халқаро кескинликнинг юмшатилганлиги натижасида очилаётган перспективада ҳар иккала Ҳукумат маҳаллий конфликтлар ва давлатлар ўртасидаги низолар оқибатида туғилиши мумкин бўлган хавф-хатарга эътибор бердилар. Улар бундай хавф-хатарни тугатишга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали ҳам, шунингдек ўзларининг давлатлар билан бўладиган бевосита муносабатларида ҳам ёрдам беришга қатъий ният қилиб қўйганликларини билдирдилар. Шу билан бирликда улар бундан буён ҳам барча халқларнинг мустақил миллий ривожланишга бўлган қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини эътироф қилишга асосланиб иш кўра берадилар.

Ҳар иккала Ҳукумат қатъий ишонч билдириб шуни айтадиларки, давлатлар ўртасида кучайиб бораётган иқтисодий алоқалар — моддий ва маънавий бойликларни айирбошлашда ҳамма халқларнинг тобора кўпроқ қатнашаётганлиги ва халқаро ҳамкорликка халқ оммасининг тобора кенгроқ тортилаётганлиги ва бутун дунёда умумий фаровонлик, тинчлик ва тараққиёт манфаатлари учун халқларнинг бир-бирига яқинлашаётганлиги халқаро аҳволни яхшилашнинг муҳим шартларидан биридир. Ҳар иккала Ҳукумат бамаслаҳат шундай фикрга келдиларки, бу мақсадга эришмоқ учун халқаро савдо-сотиқни ва иқтисодий ҳамкорликни мумкин қадар кўпроқ ривожлантириш мақсадида энг кўп куч ва ғайрат сарфламоқ зарур ва халқаро иқтисодий муносабатларда камситишнинг ҳамма формаларини, шу жумладан эмбаргони, шунингдек айрим миллатларнинг эркин иқтисодий ривожланишини тўхтатиб туришни ҳам бекор қилмоқ зарур. Ҳар иккала Ҳукумат маданий ва илмий алоқалар соҳасида боғланиш ва ҳамкорликни кучайтириш ҳам шу мақсадларга хизмат қиладиган катта фактордир деб ҳисоблайдилар. Улар бу соҳада бундан буён ҳам қарам территорияларни озод қилиш процессини қўллаб-қувватлай берадиларки, бу ишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биринчи роль ўйнаши лозим.

Ҳар иккала Ҳукумат шундай фикрга келдиларки, ривожланган ва ривожланмаган мамлакатлар ўртасидаги чуқур тафовут ҳозирги дунёнинг энг катта проблемаларидан биридир ва бу масалани ҳал қилмоқ учун давлатлар ҳам ривожланган мамлакатларга аввало кенг равишда коллектив халқаро ёрдам бериш йўли билан кўмаклашиш соҳасида тегишли ҳаракатлар қилишлари зарур.

Шу руҳда улар етарли равишда ривожланмаган ўлкаларга Бирлашган Миллатлар доирасида иқтисодий ва техника ёрдами бериш мақсадида тобора кенг ва самарали тадбирлар кўрилишига бундан буён ҳам ҳаракат қила берадилар. Ҳар иккала Ҳукумат кам тараққий қилган мамлакатлар экономикасини юксалтириш ишида бундай ёрдамлашиш ва ҳамкорлик қилиш ҳеч бир ҳарбий ва сиёсий шартлар қўйилмасдан амалга оширилмоғи лозим деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала мамлакат Ҳукуматлари суверенитет, мустақиллик, территориал дахлсизлик, ҳужум қилмаслик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурматлаш ва ички ишларга аралашмаслик принципларига таянувчи тинч ва актив тотув бўлиб яшаш сиёсатига ўзларининг содиқ эканликларини яна таъкидладилар. Бу сиёсат кейинги йиллардаги халқаро ривожланиш туфайли туғилган эҳтиёжнинг натижасидир ва мамлакатларнинг нуқтаи назарлари ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий системаларидаги тафовутлардан қатъи назар, уларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишларини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришнинг энг самарали воситасидир.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ҳиндистон Республикасининг Вице-Президенти Сарвапалли Радхакришнан жаноблари Тошкентга келди

21 июнда Ўзбекистон пойтахти Ҳиндистон Республикасининг Вице-Президенти, яхши ният визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган доктор Сарвапалли Радхакришнанни тантанали суратда кутиб олди.

Радхакришнан жаноблари тушган самолёт Олмаотадан келишдан анча илгари меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари Тошкент аэропорти биноси олдида тўпландилар. Ҳиндистон давлатининг отоқли арбобини кутиб олиш учун бу ерга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, М. А. Абдураззоқов, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР министрлари Й. Б. Бобожонов, С. Зиёмов, И. Қ. Қодиров, Ф. Қ. Қўқонбоев, А. М. Қўчқоров, И. В. Стрельцов, М. Ш. Шералиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Т. З. Зоҳидов, СССР Олий Совети депутати С. Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Б. Г. Мирзабеков, С. И. Комков, К. Р. Рўзиметов, М. Турғунбоева, Ф. Х. Хўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Р. Мусахонова, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, Ўзбекистон Телеграф агентлиги масъул раҳбарининг ўринбосари О. Тошхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, корхона ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан адабиёт ва санъат арбоблари, журналистлар келдилар. Ҳиндистон республикасининг, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари аэропорт устида ҳилпиллаб турибди. Қизил алвонларга ўзбек, рус ва ҳинд тилларида «Хуш келибсиз, доктор Радхакришнан» деган сўзлар ёзилган.

Соат 11-30 минут. Олмаотадан Тошкентга учиб келган самолёт аэропорт аркаси олдига келиб тўхтайди. Самолётдан Радхакришнан жаноблари чиқиб келади. Бу ерда йиғилганлар уни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ҳиндистон Республикаси Вице-Президенти билан биргаликда унинг бу сафари вақтидаги ҳамроҳлари СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ш. Р. Рашидов, Вакил Ф. П. Доля, СССР Олий Совети Президиуми канцелярия бошлиғининг ўринбосари Ю. А. Бородев ҳам келдилар.

Айни бир вақтда Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги Элчиси К. П. Ш. Менон рафиқаси билан, Элчихонанинг биринчи секретари В. К. Ахуджа рафиқаси билан ва Вице-Президентнинг бошқа ҳамроҳлари ҳам Тошкентга келдилар.

Республика ҳукуматининг аъзолари Сарвапалли Радхакришнан билан ва унинг ҳамроҳлари билан дўстларча қўл бериб кўришадилар. Пионерлар меҳмонларга катта гулдасталар тақдим этадилар. Республиканинг донгдор хотин-қизларидан бир группаси С. Радхакришнаннинг, К. П. Ш. Меноннинг ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган кишиларнинг бўйнига атир гуллардан қилинган гул шодаларни тақади. Ҳиндистон Республикаси, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг садолари улуғвор янграйди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси С. К. Камолов Республика меҳнаткашлари номидан меҳмонларни табриклаб нутқ сўзлайди. У бундай дейди:

— Азиз меҳмонлар! Ўзбекистон социалистик республикаси пойтахтига келганлигингиз билан Сизларни чин қалбдан табриклашимга руҳсат этгайсиз. Дўстона Ҳиндистоннинг отоқли давлат арбобларидан бири бўлган Радхакришнан жаноблари бизга, Совет Ўзбекистонига келганлиги бизни қувонтиради.

Ўзбек халқи улуғ ва талантли ҳинд халқининг ўз миллий мустақиллиги ва озодлиги учун мардлик билан олиб борган курашини чуқур муҳаббат ва самимий ҳурмат ҳислари билан кузатиб турди, ҳозирги вақтда эса янги тинчликсевар Ҳиндистонни қуриш ишида эришилган катта муваффақиятларни зўр қувонч билан кўриб турибди.

Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасида қадим замонлардан бери яқин иқтисодий ва маданий алоқалар давом этиб келган. Мамлакатларимизнинг давлат арбоблари — Ҳиндистон Республикаси Бош Министри Жавоҳарлал Неру Совет Иттифоқита ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин билан СССР Олий Совети Президиуми Аъзоси Н. С. Хрушчев сизнинг мамлакатингизга бориб келганларидан кейин бу алоқалар айниқса мустаҳкамланди ва кенгайди.

Биз зўр мамнуният билан қайд қиламизки, Ҳиндистон Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар сиёсий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашларидан иборат машҳур беш принципга маҳкам асосланган. Совет ва ҳинд халқлари халқаро кескинликни юмшатиш учун, умумий тинчлик учун ёнма-ён туриб ҳормай-толмай курашмоқдалар. Сиз, Радхакришнан жаноблари, бу олий жаноб ишга катта ҳисса қўшаётганлигингизни ўзбек халқи жуда яхши билади. Бизнинг халқимиз сизнинг ҳинд-совет дўстлигини мустаҳкамлашдаги ролингизга юксак баҳо беради.

Вице — Президент жаноблари! Мен аминманки, сизни бутун ўзбек халқи самимий муҳаббат ва ҳурмат билан кутиб олади. Ўзбек халқи сизни республика ҳужалик ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги муваффақиятлар билан қувониб таништиради. Яшасин ҳинд-совет дўстлиги! Яшасин бутун дунёда тинчлик! Хуш келибсиз, азиз меҳмонимиз!

Микрофон олдига доктор Сарвапалли Радхакришнан келади. У бундай дейди:

— Дўстлар! Гарчи мен Тошкентга биринчи марта келган бўлсамда, лекин менда ўтмишда ҳам бу шаҳарнинг бир мунча таъсири бор эди. Ўзбекистон маданият арбобларининг бир неча делегацияси Ҳиндистонга келиб кетди, сизнинг Президентингиз Рашидов эса бизнинг мамлакатимизда икки марта бўлди.

Тошкент — тарихий шаҳар. У Хитойдан Ҳиндистонга, шунингдек Греция, Эрон ва Ғарбий Европага олиб борадиган буюк жаҳон йўллари туташган жойда турибди. Тошкентда турли мамлакатлардан келган кишилар учрашади ва бу шаҳар бутун дунёда тинчликка ёрдам бериш учун географик жиҳатдан жуда қулай ўринда жойлашган деб айтиш мумкин. Биз бу ерга келаётганимизда бизларнинг ўртамизда бирдан-бир тўсиқ бўлиб турган тоғларга назар солдик, лекин эндиликда бу тўсиқ ҳам бартараф қилинди.

Сўнгра Радхакришнан жаноблари бундай деди:

— Агар Тошкент тошларининг онги ва хотираси бўлганида эди, улар бу ерда бир неча маданиятнинг таъсири борлигини кўрсатган бўлиб эдилар. Тошкентда ижодий меҳнат билан шуғулланаётган аҳоли сони илгари ҳеч қачон ҳозирги вақтдагидек кўп бўлган эмас эди. Мен жуда яхши биламанки, Тошкент халқи ўз мамлакатини реконструкция қилиш билан бир қаторда, умумий тинчликни мустаҳкамлашдан ҳам манфаатдордир. Бизнинг бош министримиз Нерунинг Совет Иттифоқига қилган визити ва совет раҳбарлари Булганин билан Хрушчевнинг Ҳиндистонга қилган визити ана шу буюк тинчлик ишини мустаҳкамлайди. Ҳиндистонга борган маданият арбоблари делегацияларингиз бизнинг маданиятимизга ўз таъсирини кўрсатди. Мен сизларнинг туйғуларингизга худди шундай туйғулар билан жавоб бераман ҳамда Ҳиндистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро майдонда ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги тўғрисидаги фикрингизга қўшиламан.

Биз самимий сўзларингиздан жуда миннатдормиз ва шаҳрингизда бўлган вақтимизда ўзимиз учун кўпгина фойдали нарсаларни билиб оламиз деб кутамиз.

Машиналар келиб тўхтайди. Биринчи очиқ машинага С. Радхакришнан жаноблари, Ш. Р. Рашидов ва С. К. Камолов тушадилар. Меҳмонлар ўзлари учун белгиланган резиденцияга бораётганларида шаҳарнинг Ҳиндистон Республикаси Вице—Президентига қарата табрик сўзлари ёзилган қизил алвонлар тортилган марказий кўчалари бўйлаб ўтадилар. Ўзбекистон пойтахти аҳолиси меҳмонларни қизғин ва самимий табриклаб, тинчлик, прогресс учун, инсоният фаровонлиги учун актив курашаётган улуғ ҳинд халқига самимий муҳаббат ҳисларини изҳор қилади. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон Республикасининг Вице-Президенти С. Радхакришнан жаноблари Тошкентга келди. **Суратда: С. Радхакришнан** Тошкент аэродромида табрик нутқи сўзламоқда.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқига давлат иши билан келганлиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматларининг

ҚЎШМА БАЁНОТИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

2.

Суҳбатлар давомида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилди ҳамда СССР ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматларининг 1955 йил 2 июндаги Декларациясида ифодаланган, шу Ҳукуматларнинг ўзаро муносабатларига асос бўлаётган принциплар ҳар томонлама дўстона ҳамкорлик қилмоқ учун пойдевор яратганлиги ҳамда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатларига фойдали хизмат қилганлиги катта мамнуният билан қайд қилинди.

Ҳар иккала томоннинг куч ва ғайрат сарфлаши туфайли Декларацияда кўзда тутилган масалаларни ҳал этишда катта натижаларга эришилди.

Ҳар иккала Ҳукумат бир-бирларига бўлган даъволар масаласи муваффақиятли равишда ҳал қилинганлигини мамнуният билан кўрсатадилар, бу эса илгари узилиб қолган иқтисодий муносабатларни тиклаб олишни ва ҳар иккала томон учун фойдали асосда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни осонлаштирди. Бу соҳада тўғри товар айирбошлаш вужудга келтирилди, узоқ муддатли кредит битими ва инвестиция битими, илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва шу каби битимлар тузилди.

Самарали маданий ҳамкорлик ва алоқалар қилмоқ учун кенг негиз яратувчи маданий конвенция имзоланди.

Информация хизмати бўйича битимга келинди.

Сиёсий муносабатларнинг ва бошқа Совет-Югославия муносабатларининг тўла равишда нормаллашганлиги ва эришилган натижалар шуни кўрсатдики, тинчлик ва социализм манфаатларига амал қилаётган иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик, яъни мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик тўғрисидаги Белград Декларацияси принципларини, жаҳонда тобора кўпроқ ҳукуматлар ва мамлакатлар практикасида борган сари кенгроқ тадбиқ қилинаётган принципларни ҳар иккала томоннинг ҳурматлашига асосланаётган ҳамкорлик шу иккала мамлакатнинг дўстона муносабатларини ҳар томонлама ва самарали ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар очиб беради.

Бўлиб ўтган суҳбатлар ҳар иккала Ҳукумат учун ўзаро ҳамкорлик қилишнинг бундан буёнги имкониятларини кўриб чиқишга жуда фойдали имкон берди. Ҳар иккала Ҳукумат шахсий алоқаларни ҳамда ҳар иккала томонни қизиқтирувчи сиёсий ва бошқа масалалар устида ўз вакилларининг мунтазам равишда бир-бирлари билан фикр алмашиб туришларини бундан буён ҳам давом эттиришни истаганликларини ва ният қилганликларини билдирадилар.

Иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва товар оборот миқдори масаласида битимга келиш мумкинлиги қайд қилинди ва битимга келинди, шу билан бирга узоқ муддатли иқтисодий битимлар фойдали эканлиги уқтириб ўтилди.

Илмий ҳамкорликни кенгайтиришга ва бир-бирларига олимларни, мутахассисларни, студентларни юбориб туришга ҳамда илмий адабиётларни айирбошлаб туришга қарор қилинди.

Тузилган маданий конвенция асосида маданий ҳамкорлик қилишнинг зарур иш планлари ишлаб чиқилади.

Ҳар иккала Ҳукумат икки давлат гражданлиги тўғрисида яқинда имзоланган Конвенцияга ўзаро муносабатларини тартибга солиш ишига қўшилган катта ҳисса деб катта аҳамият бермоқдалар. Улар шу Конвенциянинг ижро этилишини осонлаштирмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Социалистик тажрибаларни айирбошлаш ва фикр олишиш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва профессиональ ташкилотлар ўртасида шу вақтгача бўлиб келган алоқалар муваффақиятли равишда ривожланганлигини ва фойдали натижалар берганлигини ҳисобга олиб, ҳар иккала Ҳукумат шу фикрга келдиларки, амалий асосда бундай алоқалар қилиш ҳар иккала мамлакат манфаатлари йўлида бундан буён ҳам енгиллаштирилмоғи ва тезлаштирилмоғи зарур.

СССР Ҳукумати ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати ҳисоблайдиларки, музокаралар вақтида кўриб чиқилган ҳамма масалалар устида самарали фикр олишув бўлганлиги, Республика Президенти Иосип Броз Тито бошчилигида Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига келганлиги СССР ва Югославия Федератив Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ва дўстликни ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати номидан
Н. А. БУЛГАНИН.

Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати номидан
И. Броз ТИТО.

Москва, 1956 йил 20 июнь.

Югославия Коммунистлар Союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида

ДЕКЛАРАЦИЯ

Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматининг делегацияси 1956 йил 1 июндан 23 июнгача Совет Иттифоқида расмий меҳмон бўлиб турган вақтда Югославия Коммунистлар союзининг ва Югославия меҳнаткаш халқ Социалистик Иттифоқининг вакиллари сифатида — Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари Иосип Броз Тито, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Ижроия Комитетининг секретари Эдвард Кардель ва Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг аъзолари Яков Блажевич, Велько Мичунович, Коча Попович ва Миялко Тодорович ҳамда КПСС вакиллари сифатида — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, В. М. Молотов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Д. Т. Шепилов Югославия Коммунистлар союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисида ўртоқларча самимият ва ошкорлик руҳида фикр олишдилар.

Улар шу суҳбатлар вақтида бамаслаҳат қуйидаги фикрга келдилар:

1. 1955 йил 2 июндаги Белград Декларацияси ҳар иккала социалистик мамлакат ўртасидаги муносабатларни соғлом асосга қўйди ва шу Декларацияда эълон қилинган принциплар уларнинг ўзаро ҳамкорлигида тобора кенг тадбиқ қилинмоқда.

2. Белград Декларациясидан кейин ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва муносабатларнинг умумий ривожланиши, шунингдек шу мамлакатлар халқларининг сиёсий ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия Коммунистлар Союзи ўртасида ҳамкорлик қилиш учун ҳам қулай сиёсий шароит вужудга келтирди.

Юқорида айтиб ўтилган аҳволга асосланиб ва ҳозирги замон социалистик ҳаракати ривожланиб бораётган конкрет шароитни ҳисобга олиб ҳамда марксизм-ленинизмнинг интернационалистик принципларига амал қилиб Югославия Коммунистлар союзининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегациялари бамаслаҳат шу фикрга келдиларки, ҳар иккала партия ўртасидаги мавжуд алоқалар фойдалидир ва бу алоқаларни социалистик мамлакатларимизни янада мустаҳкамлаш ва яшнатиш манфаатларини кўзлаб ҳамкорлик қилиш мақсадида, социализмнинг ҳозирги замон тараққиётидаги жуда кўп масалалари бўйича халқаро ишчилар ҳаракатида ҳамкорлик қилмоқ учун, шунингдек бутун дунё халқларининг ижтимоий ва сиёсий системаларидаги тафовутлардан қатъи назар улар ўртасида тинч-тотув яшашни ва ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун ҳам, тинчлик, халқлар эркинлиги ва мустақиллиги манфаатлари йўлида ҳам бундан буён давом эттириш ва ривожлантириш зарур.

Бунда партияларнинг вакиллари шунга асосланмоқдаларки, ишчилар синфи ҳокимият тепасида турган мамлакатларда раҳбар партиялар бўлган ва ўз олдиларига умумий мақсадни — ўз мамлакатларида тўла социалистик жамият қуриш, инсоният тараққиётини ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш мақсадини қўйиб иш кўраётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия Коммунистлар союзи ўртасидаги алоқаларни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, СССР билан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Югославия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликни кучайтиришга ёрдам беради.

3. Ҳар иккала томон, турли мамлакатларда ва шароитда социалистик ривожланиш йўллари турличадир, социализмнинг ривожланиш формалари кўплиги социализмнинг кучайишига ёрдам беради деган нуқтаи назарга амал қилиб ва социалистик ривожланиш йўлларини ва формаларини белгилашда ўз фикрини мажбуран қабул қилдиришдан иборат ҳар қандай тенденция у томонга ҳам, бу томонга ҳам ёт бир нарсадир деган фактга асосланиб, юқорида айтиб ўтилган ҳамкорлик тўла эркинликка ва тенг ҳуқуқлиликка, дўстона танқидга, партияларимиз ўртасидаги низоли масалалар устида фикр олишувнинг ўртоқларча характерда бўлишлигига асосланмоғи лозим деган фикрга келдилар.

4. Югославия Коммунистлар союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги ҳамкорлик юқорида айтиб ўтилган негизларга асосланиб, биринчи навбатда ҳар иккала мамлакатдаги социалистик қурилишнинг формалари ва методлари билан ҳар томонлама ўзаро танишиш, социалистик практикани ривожлантирмоқ учун ва социалистик фикрни олга силжитмоқ учун умумий қизиқишга эга бўлган масалалар устида, шунингдек тинчликка, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга ва улар ўртасида алоқа боғлашга ҳамда умуман инсоният тараққиётига тааллуқли масалалар устида ҳам тажрибаларни ва фикрларни эркин ва ўртоқларча айирбошлаш йўли билан ривожлантирилади.

5. Ҳозирги дунёнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қайта қурилаётганлиги ва бу қайта қуришнинг социализм кучлари ниҳоят даражада ўсиб бораётганлигида, миллий озодлик ҳаракатининг юксалаётганлигида ифодаланаётганлиги, ҳозирги замон халқаро тараққиётнинг конкрет масалаларини ҳал қилишда ишчилар синфининг роли кучайиб бораётганлигида ифодаланаётганлиги халқаро ишчилар ҳаракати олдига бир қанча катта вазифаларни қўймоқда. Бу факт ҳозирги дунёдаги ҳодисаларни ва тараққиётнинг асосий моддий ҳамда ижтимоий факторларини ва тенденцияларини илмий анализ қилиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда. Шу сабабларга кўра, улар бамаслаҳат шу фикрга келдиларки, марксизм-ленинизм принципларига амал қилиб, ўзаро муносабатларида ҳам, шунингдек, умуман халқаро ишчилар ҳаракатида ҳам ўзаро ҳамкорликни ва социалистик илмий-таълимот соҳасида фикр айирбошлашни бутун чоралар билан рағбатлантирадилар.

6. Югославия Коммунистлар союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги ҳамкорликнинг конкрет формалари масаласида делегациялар шундай битимга келдиларки, бу ҳамкорлик шахсий алоқалар қилиш, фикрларни ёзма ва оғзаки баён қилиш ва айирбошлаш йўли билан, делегациялар, материаллар ва адабиётлар айирбошлаш йўли билан, шунингдек умумий аҳамиятга эга бўлган актуал масалаларни муҳокама қилиш мақсадида зарур бўлган ҳолда, партия арбобларининг ўзаро учрашувларини ўтказиш йўли билан ва умуман конструктив ўртоқларча дискуссиянинг ҳамма формалари воситаси билан амалга оширилади.

7. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Югославия Коммунистлар союзининг вакиллари бундай ўзаро ҳамкорлик бошқа коммунистик ишчи партиялар билан, шунингдек жаҳондаги социалистик ва бошқа прогрессив ҳаракатлар билан ҳам ўзлари қиладиган алоқаларнинг таркибий қисмидир деб ҳисоблайдилар.

8. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Югославия Коммунистлар союзи, мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, социал тараққиёт учун кураш манфаатлари йўлида барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг кенг ҳамкорлик қилиши зарур деб, бу ҳамкорлик жаҳон миқёсида ҳам жуда хилма-хил шаклларда тобора кучлироқ намоён бўлмоқда деб ҳисоблайдилар. Бу ҳамкорлик ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг зарур эҳтиёжларидан биридир, бундай алоқалар тенг ҳуқуқли, ошкора, демократик ва жаҳон жамоатчилиги ҳабардор бўлиб турадиган алоқалар бўлиши лозим. Бу алоқалар умумий аҳамиятга эга бўлган турли проблемалар устида бир-бирларини таништиришга ва бир-бирлари билан маслаҳатлашишга хизмат қилиши, турли томонларнинг позицияларини ва қарашларини чиқам билан тушунтириш асосида ҳамжиҳатликка ёрдам бериши лозим. Бунда бу ҳамкорликда қатнашувчилардан ҳар қайсисининг ўз тараққиётининг шароитига кўра ва ўзлари интилаётган умумий прогрессив мақсадларга мувофиқ равишда эркин ҳаракат қилишлари кўзда тутилади.

* * *

Югославия Коммунистлар союзининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг вакиллари шу нарсага аминдирларки, Югославия Федератив Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг ишчилар ҳаракатлари ўртасида шу кўрсатиб ўтилган принциплар ва формалар асосида бўладиган ҳамкорлик ўз халқларининг манфаатларига ва ўз мамлакатларидаги социалистик қурилиш манфаатларига хизмат қилади. Улар ишонч билдириб айтадиларки, бу билан улар жаҳондаги социалистик ва бошқа прогрессив ҳаракатларни бир-бирига яқинлаштиришдан иборат умумий ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар, бу эса бутун дунёда тинчлик манфаатларига ҳам, инсоният умумий тараққиётининг манфаатларига ҳам баббаравар хизмат қилади.

Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети номидан Бош секретарь
ИОСИП БРОЗ ТИТО.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Биринчи Секретарь
Н. С. ХРУШЧЕВ.

Москва, 1956-йил, 20 июнь.

Совет-Югославия ҳужжатлари имзоланди

20 июнда Катта Кремль саройида Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқига давлат ишлари билан келиши муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматларининг Қўшма Баёнотини самимият ва дўстлик вазиятида имзолаш маросими бўлди. Қўшма Баёнотни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати номидан Н. А. Булганин, Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати номидан И. Броз Тито имзоладилар.

Югославия Коммунистлар союзи билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида муносабатлар тўғрисида Декларация ҳам имзоланди. Декларацияни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев ва Югославия Коммунистлар Союзининг Бош Секретари И. Броз Тито имзоладилар.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев, Иосип Броз Тито қўл беришиб, бир-бирларини дўстона табрикладилар. Совет Иттифоқи ва Югославиянинг бошқа раҳбар арбоблари ҳам бир-бирларига қўл беришиб табриклашдилар.

Совет-Югославия ҳужжатларини имзолаш вақтида Совет томонидан К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Н. Т. Мухиддинов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари В. В. Мацкевич, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Авиация Саноати министри П. В. Дементьев ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Совет-Югославия ҳужжатларини имзолаш вақтида Югославия томонидан Иттифоқ Ижроия Вечеси Раиси Ўринбосари Эдвард Кардель, Ташқи ишлар давлат секретари Боча Попович, Иттифоқ Ижроия Вечесининг аъзоси Миялко Тодорович, Хорватия Халқ Республикаси Ижроия Вечесининг Раиси Яков Блажевич ва Югославия ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет-Югославия ҳужжатларини имзолаш вақтида Югославия Федератив Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги Элчиси Велько Мичунович ва СССРнинг Югославиядаги Элчиси Н. П. Фирюбин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг Коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлими мудири вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин, совет ва югослав матбуотининг ва бошқа мамлакатлар матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВГА Миср Республикаси Президенти Жамол Абдил НОСИРНИНГ Мактуби

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Жаноб Олийларига

Москва,

Сиз Жаноб Олийлари лутфан юборган телеграммани катта хурсандчилик ва чуқур ҳурмат билан олдим. Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сиз изҳор қилган самимий истаклар ва дўстона табриклар мени ғоят таъсирлантирди ва барча миср лилар томонидан қизғин маъқулланди.

Сизга, шунингдек Совет Иттифоқи халқларига ўзимнинг энг қизғин ташаккуримни билдираман ҳамда бахтиёрлик ва равнақ тилайман.

Жамол АБДИЛ НОСИР.

Республика Саройи,
Қоҳира.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИНГА ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. ХРУШЧЕВГА Бирма Иттифоқи Бош Министри У БА СВЕНИНГ мактуби

Менинг Бош Министр вазифасини бажаришга киришишим муносабати билан Сиз юборган табриклар ва яхши истаклар учун Сизга ташаккур айтаман. Мен раҳбарлик қилаётган ҳукумат иккала мамлакатимиз ўртасида дўстлик муносабатларини ва ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида менинг отақли ўтмишдошим бошлаган спёсатни давом эттираверади. Мен шунга аминманки, биз шу таҳлитда ҳаракат қилиш билан фақат халқларимизнинг манфаатларигагина ёрдам бериб қолмасдан, шу билан бирга бутун дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатлик ишига ҳам ёрдам берган бўламиз.

Рангун, 1956 йил, 18 июнь.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА Бирма халқ эркинлиги Антифашист уюшмаси президенти У НУНИНГ мактуби

Бош министрлик мансабидан кетганлигим муносабати билан элчи Шчиборин орқали Сизлар юборган таъсирли мактуб учун Сизлардан ғоят миннатдорман. Барча халқлар ўртасида тинчлик, ҳавфсизлик ва ҳамжиҳатлик иши менинг қалбимга жуда яқиндир ва ҳамиша жуда яқин бўлади. Мен халқ эркинлиги Антифашист уюшмасининг президенти сифатида шу мақсадга эришмоқ учун ҳормай-толмай меҳнат қилабераман ва янги бош министр ҳам бу ишга садоқатли бўлишда мендан қолишмаслигига аминман.

Самимий табриклар ва энг яхши истакларимни йўллайман.

Рангун, 1956 йил, 18 июнь.

КОБИЛДАН ТЕЛЕГРАММА

ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига БУЛГАНИН Жаноб Олийларига ХРУШЧЕВ Жаноб Олийларига

Менинг соғлигим тўғрисида хайрихоҳлик изҳор қилиб юборган телеграммангизни олиб, Сизларга ўзимнинг қизғин ташаккуримни йўллайман ва улуғ совет халқига равнақ тилаб энг самимий истакларимни билдираман.

МУҲАММАД ЗОҲИР.

1956-йил, 19 июнь.

Н. А. Булганин Бирма Иттифоқининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он жанобларини қабул қилди

20 июнда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он жанобларини қабул қилди.

Элчи Монг Он Н. А. Булганинга Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ба Свенинг ҳамда Бирма Халқ Эркинлиги Антифашист Уюшмаси Президенти У Нунинг Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевдан олган табрик мактубларига жавобан юборган мактубларини топширди. (ТАСС).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ Бирма Иттифоқининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он жанобларини қабул қилди

20 июнда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он жанобларини қабул қилди.

Элчи Монг Он Н. С. Хрушчевга Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ба Свенинг ҳамда Бирма Халқ Эркинлиги Антифашист Уюшмаси Президенти У Нунинг Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганиндан олган табрик мактубларига жавобан юборган мактубларини топширди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов Ҳиндистон Республикасининг Вице-Президенти С. Радхакришнан жанобларини қабул қилди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов 21 июнда республика Олий Совети Президиуми биносида Ҳиндистон Республикасининг Вице-Президенти, доктор Сарвапалли Радхакришнанни қабул қилди.

Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. П. Ш. Менон ва Элчихонанинг биринчи секретари В. К. Ахуджа Радхакришнан жанобларига ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, СССР Олий Советининг депутатлари С. Эшонтўраева, Т. З. Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Й. Б. Бобожонов, Р. Ғ. Ғуломов, И. Қ. Қодиров, О. Н. Павлова, С. Йўлатова, И. А. Раҳимов, К. Р. Рўзиметов, Ф. Х. Хўжаев, С. С. Черник, М. Ш. Шералиев, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, Ўзбекистон Телеграф агентлиги масъул раҳбарининг ўринбосари О. Тошхўжаев ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар орасида Радхакришнан жанобларининг мамлакат бўйлаб қилаётган саёҳатида унга ҳамроҳ бўлган вакил Ф. П. Доля, СССР Олий Совети Президиуми канцелярияси бошлиғининг ўринбосари О. А. Королев ҳам бор эдилар.

Ш. Р. Рашидов билан С. Радхакришнан жанобларининг ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлди. С. Радхакришнан жанобларининг республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши тўғрисида батафсил гапириб берилгани учун миннатдорчилик изҳор қилди ва Ўзбек халқига муваффақият ҳамда тараққиёт истади. (ЎзТАГ).

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Иосип Броз Тито Москвадан жўнаб кетди

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти маршал Иосип Броз Тито ва Югославиянинг бошқа давлат арбоблари 20 июнь кундузи махсус поездда Москвадан Киевга жўнаб кетдилар. Улар бу ердан Руминия Халқ Республикасига борадилар.

Москва меҳнаткашлари ҳурматли меҳмонларни ғоят самимият билан кузатиб қолдилар.

Очиқ машинада вокзалга бораётган Иосип Броз Титони ва К. Е. Ворошиловни, шунингдек Югославиянинг бошқа давлат арбобларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини москваликлар қизғин қарсаклар, «ура!» ҳитоблари билан табриклаб турдилар.

Киев вокзали Югославия Федератив Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган. Москва гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули перронда саф тортиб турибди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Н. А. Муҳиддинов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси А. А. Андреев, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари В. В. Мацкевич, РСФСР Министрлар Советининг Раиси, М. А. Яснов, СССР министрлари, маршаллар, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, Москва Совети Ижроия Комитетининг Раиси Н. И. Бобровников, СССР Олий Советининг ва РСФСР Олий Советининг депутатлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, матбуот ходимлари Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Маршал Иосип Броз Титони кузатмоқ учун келдилар. Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг дипломатик состави, Москвадаги чет эл Элчихоналари ва Миссияларининг бошлиқлари, чет эл ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво атташелари вокзалда тўпландилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари Президент Броз Тито ва югославиялик бошқа ўртоқлар билан қўл беришиб хайрлашадилар. Фахрий қоровул бошлиғи Югославия Федератив Халқ Республикаси Президентига рапорт беради.

Югославия ва Совет Иттифоқи давлат гимнларининг садолари янграби. Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Тито ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов фахрий қоровул олдидан ўтадилар.

Ўртоқ Иосип Броз Тито микрофон олдига келиб қуйидаги нутқни сўзлайди:

Пойтахт Москванинг гражданлари!

Биз бу ерда кўрган ва кечирган ҳамма нарсаларимизнинг чуқур таассурот остида Югославияга жўнаб кетмоқдамиз.

Биз бу ерда бўлган вақтимизда бизга нисбатан кўрсатилган бу самимий қизғин муносабат учун мен бутун делегация номидан сизларга катта ташаккур айтаман.

Мен бу ердан туриб биздан боқабар бўлган меҳнаткашларнинг ҳаммасига, бутун совет халқига Югославияга нисбатан кўрсатаётган самимий муносабатлари учун ташаккур айтаман. Мен Совет Иттифоқи меҳнаткашларига ўзларининг ижодий ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Яшасин улуғ Совет Иттифоқи!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Югославия халқлари ўртасидаги дўстлик!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Перронда тўпланганлар Югославия Федератив Халқ Республикаси Президентининг охирги сўзларини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Болалар ўртоқ Иосип Броз Титога, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Эдвард Кардельга, Ташқи ишлар давлат секретари Коча Поповичга ва уларнинг рафиқаларига, Иттифоқ Ижроия вечесининг аъзоси Миялко Тодоровичга, Хорватия Халқ Республикаси Ижроия Вечесининг Раиси Яков Блажевичга ва Президентнинг бошқа ҳамроҳларига чиройлик гулдаста ясалган катта гулдасталар тақдим қиладилар.

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито ва унинг ҳамроҳлари бўлган Югославия давлат арбоблари вагонларга томон бордилар. Пионерлар Югославиянинг «Эй, менинг Адриатика денгизим» деган халқ қўшиғини айтадилар.

Кундуз соат 3 да поезд перрондан жўнаб кетади. Ўртоқ Иосип Броз Тито ва унинг ҳамроҳлари қўлларини кўтариб хайрлашиб бормоқдалар.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги элчиси Н. П. Фирюбин, Армия генерали А. И. Антонов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг Коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5- Европа бўлими мудирининг вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин ва бошқалар Югославия ҳукумат делегацияси билан Киевга жўнадилар. (ТАСС).

СССР Министрлар Советида

Жун етиштиришни ва тайёрлашни янада кўпайтириш тадбирлари тўғрисида

СССР Министрлар Совети жун етиштиришни ва тайёрлашни янада кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, мамлакатда жун етиштириш халқ хўжалигининг талабларидан жиддий равишда орқада қолаётганлигини қайд қилди.

Колхоз ва совхозларда қўйчиликни тезроқ ривожлантириш соҳасида мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам етарли фойдаланилмаётир. Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Белоруссия ССРдаги, Сибирь областларидаги, РСФСРнинг марказий ва ғарби-шимолий областларидаги ҳамда бошқа бир қанча районлардаги кўпгина колхозларда қўйлар сони ва жун етиштириш кейинги йилларда камайиб қолди. Колхозлар ва машина-трактор станциялари, айниқса Қирғизистон ССР, Бошқирдистон АССР, Саратов области ва бошқа баъзи республика ҳамда областлардаги колхозлар ва машина-трактор станциялари қўйчиликдаги наслчилик ишига эътиборни сусайтириб қўйдилар, совлиқ қўйларни сунъий усулда қочириш ишини қониқарсиз ташкил қилмоқдалар, майин жунли ва ярим майин жунли қўйларни муваффақиятли равишда урчитиш учун шароит мавжуд бўлгани ҳолда, насл учун ярим дағал жунли ва ҳатто дағал жунли қўчқорлардан фойдаланишга йўл қўймоқдалар.

Қўйларни боқиш ва асраш қониқарсиз бўлганлиги, қўйларни урчитиш масалаларига тегишинча эътибор берилмаётганлиги натижасида кўпгина колхозлар ҳар йили мўлжалланганидан анча кам миқдорда қўзи олиб келмоқдалар. Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг колхозларида 1956 — 1957 йилларда қишки яйловларда зарур миқдорларда давлат страхование пичан фонди ғамлаб қўйишни таъминлаш вазифаси топширилди.

СССР Министрлар Совети СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига кам маҳсулот берадиган дағал жунли қўйчиликни майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликка айлантириш, ўз мамлакатимизда етиштирилган майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг сонини кўпайтириш ва уларнинг наслини янада яхшилаш, шунингдек қоракўл ва пўстинбоп тери берадиган қўйлар боқилаётган районларда бу қўйлардан олинаётган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни кўриш вазифасини топширди. Шу мақсадда:

Совхоз ва колхозларда 1956 — 1958 йилларда ҳар йили камида 100 минг бош элит ва биринчи класс майин жунли ҳамда ярим майин жунли зотли қўчқорлар ўстириш ва қўйларнинг зотини яхшилаш учун уларни колхозларга сотиш таъминлансин, шунингдек зарур миқдорда элит ва биринчи класс қоракўл романов зотли ва кўп маҳсулот берадиган дағал жунли бошқа зотли қўчқорлар ўстириш таъминлансин;

1957 — 1959 йилларда Қозоғистон ССРдаги, Қирғизистон ССРдаги, Сибирдаги, Поволжьедаги ва СССРнинг бошқа районларидаги мавжуд совхозлар базасида жуда маҳсулдор бўлган майин жунли ва ярим майин жунли қўйларни урчитувчи 20 та наслдор қўйчилик совхозлари ташкил қилинсин.

СССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва РСФСР Министрлар Совети майин жунли ва ярим майин жунли қўйларни боқиш ҳамда урчитиш учун зарур шароитларга эга бўлган бошқа ўлкаларнинг, областлар ва республикаларнинг колхозларига сотиш учун 1956 йилда Ставрополь ўлкасининг колхозларида 230 минг бош майин жунли ва ярим майин жунли совлиқ ҳамда шишак қўйларни ва 170 минг бош қўчқорларни сотиб олишни ташкил қилишлари ҳамда келгусида шу мақсадда Ставрополь ўлкасидаги, шунингдек бошқа ўлка ва областлардаги колхозларда ҳар йили 500-600 минг бош ана шундай қўйларни сотиб олиб туришни таъминлашлари лозим.

СССР Министрлар Совети жун етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтиришда колхозларнинг ҳамда колхозчиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида колхозлар ва айрим кишилар томонидан топшириладиган нормал сифатли ювилмаган қўй жунига ўртача тайёрлаш нархларини қуйидаги миқдорда белгилади: бир килограмм майин жун учун (соф тола 36 процент чиққанда) 28 сўм, бир килограмм ярим майин жун учун (соф тола 43 процент чиққанда) 23 сўм, ярим дағал жун учун (соф тола 53 процент чиққанда) 19 сўм ва дағал жун учун (соф тола 56 процент чиққанда) 15 сўм 20 тийин.

Ювилмаган қўй жунининг закупка нарҳлари, ярим майин, ярим дағал ва дағал жунининг юқорида келтирилган тайёрлаш нархларига нисбатан бир ярим баравар миқдорда белгиланди.

Колхозлар ва айрим кишилар топшираётган зотли тивитлик эчкилардан биринчи марта тараб олинган тивитнинг тайёрлаш нархи килограммига 250 сўм ва иккинчи марта тараб олинган тивитнинг килограммига 200 сўм миқдорида белгиланди; жайдари ва ангор-дағал жунли эчкилардан биринчи ва иккинчи марта тараб олинган эчки тивити учун тайёрлаш нархи зотли тивитли зотлик эчкилар тивитининг нархларига нисбатан 30 процент кам белгиланди.

Қўй жуни ва эчки тивитига белгиланган юқоридаги нархлар 1956 йил 1 майдан жорий қилинди.

Колхозлар давлатга жун топшириш мажбуриятларини бажариш ҳисобига биринчи ва иккинчи сорт жунли ва ярим жунли қўй терилари топширганларида қуйидагича ҳисобланади:

Майин жунли ва ярим майин жунли ҳар бир қўй териси учун 1 килограммдан майин ёки ярим майин жун, ҳар бир ярим дағал жунли қўй териси учун 0,5 килограммдан ярим дағал жун ҳисобланади:

Майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг ярим жунли ҳар бир териси учун 0,7 килограммдан майин ёки ярим майин жун, ярим дағал жунлик қўйнинг ярим жунли ҳар бир териси учун 0,3 килограммдан ярим дағал жун ҳисобланади.

1956 йил 23 май.

Барча майдонлардаги ғўзаларни бир текисда ривожлантирайлик!

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхозининг ўртоқ А. Орзиев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 66 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётирлар. Бригаданинг барча майдонларида квадрат-уялаб жойлаштирилган ғўзалари механизация асосида икки томонлама культивация қилинаётганлиги сабабли соғлом ривожланиб, гуркираб ўсмоқда. Бригадада культивация, чопиқ, озиқлантириш ҳамда суғориш ишлари бир-бирига мустаҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Ҳозир бригаданинг ғўзалари текис шоналаб гуллай бошлади.

Суратда: ғўзаларни кўндалангига культивация қилиш пайти.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Пискент районида ҳали ҳам хотиржамлик

Пискент райони колхозларида шу кунгача ғўза парваришининг биринчи цикли тамом бўлгани йўқ. Район бўйича 200 гектар ердаги ғўза ҳалигача чопиқ қилинмаган, озиқлантириш лозим бўлган 3005 гектар ердаги ғўза 10-15 кунлаб ўсишдан қолмоқда. Ҳали биринчи сув берилмаган 2263 гектар ердаги ғўза барглари саргая бошлаган, шунингдек культивация ишлари ҳам ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда ҳамда сифатсиз ўтказилаётир. Натижада катта-катта майдонлардаги ғўзалари гумай ва бегона ўтлар босиб кетган, айрим карталарда бегона ўтлар шу қадар ўсиб кеттанки, ғўза туплари улар тагида кўринмай қолган. Район колхозларида ана шундай ўт босган ғўзалар 2300 гектарни ташкил қилади. Бунинг устига 1100 гектар ердаги ғўзанинг 50 процентти сифатсиз ягана қилинган, қолган қисми эса ҳалигача ягана қилинмаган.

Озарбайжонлик мусобақадошлар яқинда бу район колхозларида бўлганларида ғўза парваришида йўл қўйилаётган шу хилдаги хато ва камчиликларни очиб ташлаган ва бу нуқсонларни тезда бартараф қилиш тадбирларини колхоз ва район раҳбарларига уқтирган эдилар. Афсуски, колхоз ва район раҳбарлари ҳали ҳам эскичасига «раҳбарлик» қилаётирлар, улар ўз ишларида бурилиш ясамадилар, ғўза парваришида сезиларли даражада олдинга силжиш бўлмади.

Кўпгина колхозларда аввалгидай интизом бўш, меҳнат тўғри ташкил қилинмаган. Колхоз раҳбарлари ўз масъулиятларини унутиб қўйганлар, талабчанлик, контроллиқни бўшаштириб юборганлар. Колхоз бошлаётгич партия ташкилотларининг секретарлари колхозчилар орасида сиёсий-оммавий ишларни олиб боришга, улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кучайтиришга етарли эътибор бермаётирлар. Райондаги ҳар иккала МТС раҳбарлари (директорлари Капатун, Вакман, бош инженерлари Мажаров, Ким ўртоқлар) бўлса колхозларда хизмат қилаётган универсалчиларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, универсалчиларнинг нормал ишлашини таъминлаш, умуман айтганда амалий раҳбарлик қилиш ўрнига қуруқ ваъдабозлик йўлига ўтиб олганлар. Айниқса, ғўза парваришининг ҳозирги қизғин кунларида раҳбарлар суст ишлашлик кўрсатмоқдалар.

МТСларда культиваторларни тайёрлаш ва уларни универсалларга тиркаш, бошқа асбоб-ускуналарни мавсумга тахт қилиб қўйиш жаби асосий ишлар 10 майдаёқ бажарилиши планлаштирилган эди. Афсуски, бу вазифанинг кўп қисми ҳалига қадар амалга оширилгани йўқ. 30 процент культиватор тайёр бўлмагани учун ҳалига қадар колхозларга жўнатилмаган, жўнатилган культиватор ва универсаллар сифатсиз ремонт қилинган. Ҳаммадан шуниси ачинарлики, бор универсаллардан фойдаланиш учун кадрлар етишмайди. Мана шундай нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги сабабли район колхозларида ғўза парваришининг биринчи цикли шу кунгача тамомланганги йўқ.

Шу кунларда 2-МТС зонасидаги Калинин номли колхозда (правление раиси ўртоқ Қодиров) ғўза парвариши ёмон аҳволда. Бунга механизаторларнинг ҳаддан ташқари унумсиз ва сифатсиз ишлаётганликлари сабаб бўлаётир. Яқинда МТС-нинг трактористи ўртоқ Жўраев колхознинг ўртоқ Тожиева бошлиқ бригада ғўзаларини культивация қилди, бригада бошлиғи ва агрономнинг назоратисиз 14 гектар ерда ўтказилган культивация мутлақо талабга жавоб бермайди. Ўртоқ Жўраев ўз агрегатининг иш органларини текшириб кўрмай, пошмапошарлик билан культивация қилган. Натижада кўпгина кўчат тупроққа кўмилган, қирқилиб нобуд бўлган. Агроном бу ачинарли ва кўпол хато учун Жўраевга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмади. Бундай аҳвол колхознинг ўртоқ Эргашев бошлиқ бригадасида ҳам юз бермоқда. Универсалчи ўртоқ Қўчқоров ҳафсаласизлик билан ўз агрегатининг иш органларини нотўғри ўрнатиб, бу бригаданинг 13 гектар ерини культивация қилган. 45х45 схемасида ўстирилаётган ғўзалар аввало юза ва энсиз культивация қилинган, культиватор тишлари нотўғри ўрнатилганлиги учун кўчатлар кўплаб нобуд бўлган.

Колхозда хизмат қилаётган универсалчилар етарли тажрибага эга эмаслар. Улар ёрдамга муҳтож. Ҳалигача универсалнинг иш органларини ўз жойига ўрнатиш, қандай эгликда ва чуқурликда культивация қилиниши лозимлигини яхши билмайдилар. Механик ўртоқ Маткаримов бўлса бу универсалчиларга амалий ёрдам бериш ўрнига «ҳайбаракаллачилик» қилиб юрипти. Агроном ўртоқ Қодиров агротехника талабларини билмайди, МТС раҳбарлари эса булардан хабар олмайди. Универсаллардан фойдаланиш Калинин номли колхозда мана шундай ачинарли аҳволда. Райондаги Каганович номли, Ленин номли, Молотов номли колхозларда ҳам мавжуд механизация кучидан нотўғри фойдаланилмоқда.

Кўпгина колхозларда ғўзаларни ўз вақтида, сифатли суғоришга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Каганович номли колхозда (правление раиси Новрузбоев) ғўзаларни кечаси, ноқ усулида суғориш йўлга қўйилмаган, шунингдек сув талаб ғўзалар қолиб, суғорилган ғўзаларга кераксиз вақтда қайта-қайта сув тараш ҳоллари учрайди. Натижада ҳар икки картадаги ғўзалар ҳам саргайиб кетмоқда. Кўриниб турибдики, колхоз раҳбарлари мўлҳосил гарови — суғориш ишига тажрибали ўртоқларни жалб қилмаганлар, суғориш умуман агротехника қоидаларига тўғри келмайди, бригада бошлиқлари ҳам бу масала билан қизиқмайдилар. Ана шундай аҳвол районнинг Андреев номли, Жданов номли, Карл Маркс номли колхозларида ҳам юз берётир. Бу колхозларда интизом бўш, мавжуд ишчи кучлари ғўза парваришига тўла жалб қилинмаган. Колхозчиларнинг 20-25 процентга яқини иккинчи даражали ишлар билан шуғулланиб юрипти, шунинг учун ҳам бу колхозларда меҳнат унуми паст, иш сифати ёмон. Ғўзаларни бегона ўтлар қоплаб ётипти, гоммоз касаллиги билан зарарланган, ўргимчаккана ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳашаротлари билан зарарланган ғўзалар ўсишдан, ҳосилдан қолаётир.

Каганович номли колхознинг барча пахта майдонларини айланган киши шу аҳволни кўради. Айниқса, колхознинг 7-бригадасида аҳвол ёмон. 12 гектар ғўза гоммоз касалига учраган, зараркунандалар кенг тарқалган. Афсуски колхоз правленияси бу ҳолни кўра-била туриб, уларни тугатиш юзасидан амалий тадбир белгиламаётир.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхозларда йўл қўйилаётган ана шундай хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари, ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари керак.

И. МУҲИДДИНОВ.

СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковга Югославиянинг олий „Свобода“ ордени топширилди

20 июнда Кремлда Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковга унинг иккинчи жаҳон уруши вақтида кўрсатган гоят катта хизматлари учун Югославиянинг олий «Свобода» орденини топширди.

Иосип Броз Тито ордени топириб туриб, аскарий шавкатнинг олий белгиси бўлган бу орден совет саркардасига унинг иккинчи жаҳон уруши галаба қозониш ишида кўрсатган жуда катта хизматлари учун топширилмоқда, деди.

Г. К. Жуков ордени қабул қилиб олар экан, бундай деди:

Югославия олий ҳарбий ордени — «Свобода» ордени билан мукофотланганлигим учун Сиз ўртоқ президентга чин кўнгилдан ташаккур айтишимга ижозат бергайсиз.

Мен бу юксак мукофотни Совет Қуролли Кучлари билан Югославия қуролли кучларининг иккинчи жаҳон уруши йилларида герман фашист қуролли кучларига қарши биргаликда олиб борган курашларида Совет Қуролли Кучлари кўрсаттан жуда катта хизматларнинг эътироф қилиниши деб ҳисоблайман.

Мен шунга ишонаманки, тинчлик учун, социализм учун, бутун инсониятнинг энг яхши келажаги учун курашда совет ва югослав халқлари бир тутиштан қардошлардек ҳамиша олга борабердилар.

СССР ва Югославия Федератив Халқ Республикаси халқлари тинчликни сақлаб қолмоқ ва мустаҳкамламоқ учун ўз кучларини аямайдилар ва тинчлик ишини қаттиқ туриб охиригача ҳимоя қилмоқ учун қатъий бел боғлаганлар. Мен аминманки, бизнинг халқларимиз бундан буён ҳам қўлни қўлга бериб биргаликда олга борадилар ва зарур бўлиб қолган тақдирда, бизни урушишга мажбур қилганлари тақдирда, халқлар ўртасидаги тинчликни бузганларга қарши керакли зарбани берадилар.

Сизга катта раҳмат.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Югославия Федератив Халқ Республикасининг миллий мудофаа ишлари давлат секретари армия генерали Иван Гошнякка топшириқ учун биринчи даража Суворов орденини Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титонинг қўлига берди. СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан, Иван Гошняк иккинчи жаҳон уруши вақтидаги хизматлари ва жанговар ҳамкорлиги учун биринчи даража Суворов ордени билан мукофотланган эди. (ТАСС).

Қардошларча дўстлик ҳадялари

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтида Совет ҳукумати СССР халқлари номидан Югославия халқларига типовой машина-трактор станциясининг ғаллакор хўжаликларда 7500 гектар экинбоп ерни ишлаб берадиган ускуна — жиҳозларини, шу жумладан 65 трактор, 35 та ғалла комбайни, маккажўхорини ўриб-йиғиб берадиган 32 та комбайнни ва бошқа машина-ускуналарни ҳадя қилиб топширди.

Совет ҳукумати Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Иосип Броз Титога пассажирлар ташийдиган ИЛ-14 маркали самолётни ҳам совға қилиб топширди.

Москваликларнинг Белград аҳолисига совғаси

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг раиси Н. И. Бобровников 20 июнда Югославия Федератив Халқ Республикасининг президенти ўртоқ Иосип Броз Тито ҳузурига келди.

Н. И. Бобровников ўртоқ Титога 1— Хорошевская кўчасида очилган болалар боғчаси учун жиҳоз ва ускуналарни москваликларга совға қилиб бергаилиги учун ташаккур айтди. Ўртоқ Бобровников, москваликлар ҳам Белград аҳолисига совға қилиб 500 кишилик кинотеатр учун тўлиқ ускуна ва жиҳозлар юборадилар, деб айтди. (ТАСС).

СССР Ҳаво Флоти куни шарафига

24 июнь — СССР Ҳаво Флоти Кунидир. Шу кун шарафига шаҳарларда, қишлоқларда, ҳарбий қисмларда ва ҳарбий кемаларда ватанимиз авиациясининг шонли тарихи тўғрисида, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти учувчиларнинг улуғ Ватан уруши йилларидаги сўнмас қаҳрамонликлари тўғрисида докладлар ўтказилмоқда.

Иттифоқчи республикаларда, ўлкаларда ва областларда самолёт, планер, парашют ва авиамодель спорти юзасидан мусобақалар ташкил қилинмоқда. Армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамиятнинг бошланғич ташкилотларида СССР Ҳаво Флоти Кунига бағишланган фотовитрина ва виставкалар очилди.

Клубларда, маданият уйлари ва саройларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган учувчилар, авиация саноатининг машҳур конструкторлари билан учрашувлар ташкил қилинади.

Совет Армиясининг Марказий музейида мингларча москваликлар, солдатлар, матрослар, старшиналар ва офицерлар Совет мамлакати қуролли кучларининг жанговар шон-шуҳратини намойиш қилувчи жуда кўп ёдгорликларни тамоша қилмоқдалар.

24 июнда пойтахтнинг парклари ва боғларида халқ сайллари, ҳарбий ва граждан авиациясининг учувчилари — Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари билан учрашувлар ўтказилади. (ТАСС).

Ғўзаларни барвақт кўсаклатиш учун

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг ўтган йили ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил топширган коммунист Абдурахмон ота Умаров бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил 92 гектар майдонга ғўзани 60х45 ва 50х50 схемаларида жойлаштириб, гектаридан олинадиган ҳосилни 40 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

КПСС XX съезди тарихий қарорларидан руҳланган бригада аъзолари барча майдонларидаги ғўзаларини икки марта комплекс парваришдан чиқариб, учинчи парваришни намунали ўтказмоқдалар. Яхши парвариш қилинган ғўзалар соғлом ва нормал ривожланиб арта шоналай бошлади. Шоналар аста-секин гулга айланмоқда. Бригаданинг Абдуқодир Шамсутдинов ва Эгамберди Умаров ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ўзаро мусобақалашиб, пахта майдонларининг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар.

Амина Абдуллаева, Карамат Аҳмедова, Иброхим Мирзакаримов, Саодат Абдиму́минова ва Гулсара Ҳолматова ўртоқлар синтари ишчан пахтакорлар ҳалол меҳнат қилиб, жунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажармоқдалар.

Бригада аъзоларининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун бошлаган курашларига 1- МТСнинг ўртоқ Николай Русь бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирлар. Айниқса универсалчи Абдувоҳид Мирзабоев, Эргаш Эрматов ўртоқларнинг самарали меҳнатлари ғаҳдирга сазовордир. Улар фидокорона меҳнат қилиб, бригаданинг барча майдонлаги ғўзаларини 3 марта узунасига ва 2 марта кўндалангига культивациялаб чиқардилар. Универсалчилардан ўртоқ Мамараим Пирматов ўзининг СУЗ машинаси билан бригада ғўзаларини икки марта озиқлантирди.

Бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлашни янада кучайтириб, июнь ойи ичида барча майдонлардаги ғўзаларни текис гулга киритиб, ҳар тупнинг 2-3 тадан кўсаклашини таъминлаш учун курашмоқдалар.

М. АБДУРАИМОВ.

Юқори ҳосилли бригада

Верхне-волинск районидаги Максим Горький номли колхознинг ўртоқ Карим Муҳамедов бошлиқ бригада аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш ҳақида чиқарган қарорларига амал қилиб, пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Бригада аъзолари 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етказиб беришдек юксак мажбурият олиб, фидокорона меҳнат қилаётирлар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш мақсадида механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ғўзаларини 3 марта узунасига ва кўндалангига культивация қилдилар ҳамда бир марта СУЗ билан озиқлантирдилар.

Ҳозир бригаданинг барча майдонидаги ғўзалар 3 марта комплекс парвариш қилинди. Ғўзалар ёппасига шоналаб, гуллаш олдида турипти.

С. ДАУБОЕВ.

Илғорлар даласида

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Нормал ривожланиб ёппасига шоналаган яшил квадратлардаги ғўзалар кўзни қамаштиради. Куйбишев номли колхознинг аъзолари бу муваффақиятга ҳалол меҳнат туфайли эришдилар. Мусобақа илғори ўртоқ Э. Қурбонов бошлиқ бригадада ғўзалар 2 марта комплекс парваришдан чиқарилди, суғориш ва озиқлантириш ўз вақтида ўтказилмоқда. Бошқа бригадаларда ҳам дала ишлари сифатли ўтказилмоқда.

А. РАЗЗОҚОВ.

* * *

ЧИНОЗ. Оржоникидзе номли колхоздаги ўртоқ Солиҳа Муҳаммадбоева бошлиқ бригада аъзолари техникадан тўла ва унумли фойдаланиб, 65 гектар пахта майдондаги ғўзаларни икки марта комплекс парваришдан чиқардилар. Бригада учинчи парваришни бошлаб юборибди, колхоз кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Шунингдек Ленин номли колхоз пахтакорлари ҳам барча майдонлардаги ғўзаларни 3 марта чопиқдан чиқардилар, озиқлантириб икки марта суғордилар.

С. МУМИНОВ,
Э. УСМОНҚУЛОВ.

* * *

МИРЗАЧЎЛ. Сталин номли колхоздаги ўртоқ У. Маҳкамов бошлиқ бригада аъзолари 57 гектар пахта майдонларининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётирлар. Бригада аъзолари ғўзаларни 2 марта сифатли культивация қилиб, икки марта чуқур кетмон чопиғи ўтказдилар. Ҳозир бригаданинг барча ғўзалари ёппасига шоналаб, гуллай бошлади.

Ғ. АЛИБЕКОВ.

Қишлоқ хўжалик фани ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

Илгари хабар берилганидек, 19 июнда Москвада, Катта Кремль саройида очилган қишлоқ хўжалик фани ходимлари Бутуниттифоқ кенгашида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич «КПСС XX съездининг қарорларини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фанининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Украина ССР қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ **Сливан** ўз нутқида қишлоқ хўжалик фанининг энг муҳим вазифасига — мамлакатнинг ҳар бир зонаси учун деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини энг қисқа муддатда ишлаб чиқиш вазифасига тўхталди. Бу соҳада Украина ССР муҳим тажрибани қилган. Республикада табиий шароитлари бўйича бир-биридан фарқ қилган олти зона бор. Ҳарбир зона учун илмий муассасалар тегишли тадбирларни ишлаб чиққанларки, бу тадбирлар тупроқнинг унумдорлигини оширишга, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга ёрдам беради. Бунда ўз мамлакатимиздаги фан ютуқлари ҳам, чет эллардаги фан ютуқлари ҳам, илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибалари ҳам назарга олинган.

Ўртоқ Сливак республика илмий ва тажриба муассасаларининг қишлоқ хўжалигига бераётган ёрдами тўғрисида сўзлади.

К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг профессори Ўртоқ **Колесневв** бутун мамлакатда ерларнинг сифатини текшириб чиқиш зарур деб ҳисоблайди. Хўжаликни тўғри олиб бормоқ учун ҳар бир ер участкасининг хусусиятларини билиш, ҳар гектар ер нима бериши мумкинлигини, меҳнатни энг кам сарфлаган ҳолда энг кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиш учун қандай агротехника тадбирларини жорий қилиш кераклигини билиш зарур. Мамлакатнинг ҳар бир зонаси учун тупроқнинг унумдорлигини тиклайдиган ва оширадиган тадбирлар системасини, яъни ўз деҳқончилик системасини ишлаб чиқиш зарур. Профессор Колеснев ерларнинг сифатини текшириб чиқиш ишини В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ер тузиш ўрганларига юклашни тавсия қилади.

Қозоғистон Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ **Забежанский** ахборот бериб айтдики, республикада икки йил ичида 18 миллион гектар қўриқ ва бўз ер ўзлаштирилди. Эндиликда республикада экин майдонлари 1953 йилдаги 9,7 миллион гектар ўрнита 27,5 миллион гектаргa етказилди. Қозоғистон далаларида мўл ҳосил етилмоқда.

Ўртоқ Забежанский республикада қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш тўғрисида сўзлайди. Бундан ўтган йилдан салгина кўпроқ илгари республикада битта ҳам қишлоқ хўжалик институти йўқ эди. Ҳозир В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг филиали, еттита илмий институт ва учта ўқув институти, ўнларча тажриба станцияси, тажриба далалари ва таянч пунктлари ишлаб турибди. Бу илмий муассасалар анча катта ишларни қилдилар. Лекин илмий тадқиқотлар ҳали практика билан етарли боғланмаган, олимлар колхоз ва совхозларга етарли ёрдам бермаётирлар. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, олимлар қўриқ ерлар ўзлаштираётган районларда айниқса шўрхок ва тупроқ эрозияси бўлаётган ерларда хўжаликни олиб бориш системасини ишлаб чиқишда республиканинг илмий муассасаларига ёрдам беришлари лозим.

Сўнгра сўзга чиққан академик **Скрябин** айтики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг кўпгина хавфли касалликлари тугатилди. Лекин фан ҳали бу соҳада етарли ғайрат билан ишламаётир ва мамлакат олдида қарздор бўлиб қолаётир. Илмий тадқиқотлар кўпинча назарий жиҳатдан паст савияда олиб борилмоқда. Баъзи илмий ходимлар етарли малакага эга эмас. Ҳайвонларнинг касалликларига қарши курашдаги янги доривор практикага секин жорий қилинмоқда. Академик Скрябин илмий-текшириш ишларини чуқурлаштириш, ветеринария ходимларининг малакасини ошириш, зоотехника билимларини кенг пропаганда қилиш зарурлиги тўғрисида гапиради.

К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг ректори Ўртоқ **Лоза** ўз нутқини қишлоқ хўжалик ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга бағишлади. Бу ишни тўғри йўлга қўймоқ учун қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ўз ишлаб чиқариш базасига эга бўлмоқлари лозим. Лабораториядаги тажриба таълим-тажриба хўжаликларида синаб кўрилгандагина олий ўқув юртлари ишлаб чиқаётган янги илмий тавсияномалар қимматли аҳамиятга эга бўлади ва практикага тез жорий қилинади. Олий ўқув юртлари, илмий-текшириш муассасалари ва тажриба станциялари ўртасида алоқалар кенгайтирилиши, илмий-текшириш натижаларини муттасил айирбошлаб туриш йўлга қўйилиши лозим. Ўртоқ Лоза, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари учун олий ўқув юртларини зарур материаллар билан таъминлашни кучайтириш керак, деган иштакни билдирди.

Кенгаш Курган областидаги Далматов сортли экинлар участкаси агрономи Ўртоқ **Воронованинг** нутқини самимий кутиб олди. У иссиқни севадиган экинлардан Зауральеннинг оғир шароитларида юқори ҳосил етиштириш тажрибалари тўғрисида сўзлаб берди. Помидор уруғларини ўзгарувчан температурага чиниқтириш соҳасида сортли экинлар участкаси ишлаб чиққан метод помидор кўчатларини 20 кун илгари тупроққа ўтказиш ва ҳар бир тубдан 80 — 100 процент пишган помидор йиғиб олиш имкониятини берган. Тарвуз ҳам бу ерда ана шундай усулда ўстирилади. Сортли экинлар участкаси уруғларни чиниқтириш методидан фойдаланиб, икки йилдан бўён маккажўхори донидан мўл ҳосил олиб келмоқда.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўртоқ **Василенко** ўз нутқини қишлоқ хўжалиги учун юқори унумли машиналар ва тракторлар яратиш масалаларига бағишлади. У дон экинларини хиллаб-ажратиб ўриб-янчиб олишнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди. Бу усул борган сари кенг миқъёсда қўлланилади.

Кенгашда Шарқи-Жануб қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтининг директори Ўртоқ **Сидоров** ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти Ўғитлар лабораториясининг раҳбари техника фанлари доктори Ўртоқ **Набиев** ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

20 июнда Москвада қишлоқ хўжалик фани ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, СССР Қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ В. В. Мацкевич доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Харьков зоотехника институтининг профессори Ўртоқ **Потемкин** қишлоқ хўжалик фани ходимларининг эътиборини чорвачиликда наслчилик ишини кескин суратда яхшилаш зарурлигига жалб қилди. Зотли чорва моллар бир неча министрликлар қарамогида қолиб келмоқда, бу эса чорва моллларнинг зотини яхшилаш соҳасидаги ишларни жуда қийинлаштиради. Ўртоқ Потемкин СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳузурида ёки В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси ҳузурида зотли чорва моллар масалалари билан шуғулланувчи кенгаш тузишни ёқлаб гапирди.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти Ўртоқ **Лобанов** трибунага чиқади. Дарҳол ҳал этишни талаб қилаётган энг муҳим масалалардан бири, деди у, қишлоқ хўжалигини мамлакатнинг асосий табиий-иқтисодий зоналарига яраша олиб боришга доир илмий жиҳатдан асосланган системани ишлаб чиқишдир. Бундай система давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулоти топшириш ва сотиш юзасидан белгиланган топшириқларни сўзсиз тўла ва ошириб бажаришни, ҳар бир колхознинг озиқ-овқат бўладиган дон, ем-хашак, уруғлиққа бўлган эҳтиёжини ва зарур резервлар барпо этишни тўла қондира оладиган миқдорда маҳсулот етиштиришни таъминлаши лозим. Ўртоқ Лобанов ҳар бир зонада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун илмий ходимларнинг бутун куч қуввати қаратилиши лозим бўлган вазифаларни муфассал характерлаб берди.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг директори Ўртоқ **Жуковский** Иттифоқ қишлоқ хўжалигини ўсимликларнинг янги фойдали сортлари билан бойитиш тўғрисида гапирди. Яқин вақт ичида СССРнинг ҳамма районларида ёппасига сортли уруғлар экишга ўтилади. Лекин сортлар узоқ вақт давомида ўзгармасдан тура бермайди. Уларни доимо янгилаб туриш, янада фойдалироқ сифатдарга эга бўлган янги сортларни етиштириш зарур.

Агрофизика институтининг директори академик **Иоффе** ўз нутқини қишлоқ хўжалигида физиканинг ролига бағишлади. Ҳаммага равшанки, деди у, ёғуғлиқнинг миқдори ва сифати, каби физик фактор, тупроқда ва ўсимликда ишлар, нам ва туманнинг тўпланиши ва ҳаракати мўл ҳосил етиштиришда ўғит микрофлорга ва селекция каби ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон физика фанининг ютуқлари ана шу факторларга актив таъсир қилиш ва уларни ўзгартириш йўлини очиб бермоқда. Масалан, сунъий равишда ёритилган шароитда одатдагига қараганда кўпроқ қанд ва витаминларга эга бўлган сабзавотларни етиштириш мумкин бўлди. Ўсимликларнинг ривожланишини сунъий йўллар билан тезлаштириб, буғдой ва помидордан йилига олтита ҳосил, пахтадан тўртта ҳосил етиштириш ва редискани 15 кун ичида ўстириш мумкин. Бу эса селекция учун катта аҳамиятга эгадир.

Нотиқ қишлоқ хўжалигида атом энергиясидан ва ярим проводниклардан, шунингдек электрон-ҳисоб машиналаридан фойдаланиш соҳасидаги катта перспективаларга тўхтади.

Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ўртоқ **Давтян** ўз нутқини фан билан практика ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўртоқ **Василенко** ўз нутқида қишлоқ хўжалик илмий муассасаларининг ишидаги камчиликларни танқид қилди. Тажриба ишларининг майда пайкалларда, кичкина майдонларда олиб борилаётганлиги, оқибатда фаннинг ишлаб чиқаришдан узоқлашиб қолганлиги энг жиддий камчиликлардан биридир. Фаннинг ишлаб чиқаришдан орқада қолишига олиб келаётган яна бир сабаб — илғор иш тажрибаларининг етарли умумлаштирилмаётганлигидир.

Шунингдек йиғилишда Белоруссия ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ўртоқ **Лупинович**, Сибирь чорвачилик институтининг директори Ўртоқ **Симон**, Москва областидаги «Большевик» колхозининг раиси Ўртоқ **Муромский** академик **Эйхфельд** (Эстония) сўзладилар. (ТАСС).

Югославия Федератив Халқ Республикаси ташқи ишлар давлат секретари Коча Попович ҳузурида матбуот конференцияси

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқига келганлиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукуматларининг қўшма баёноти имзолангандан кейин 20 июнда Москвадаги журналистлар Марказий Уйида Югославия Федератив Халқ Республикаси ташқи ишлар давлат секретари Коча Попович ҳузурида матбуот конференцияси бўлди. Бу матбуот конференциясига совет ва чет эл журналистларидан жуда кўп киши келди.

Коча Попович журналистларнинг Совет-Югославия музокараларининг натижаларига таллуқли жуда кўп саволларига жавоб берди. У, Югославия делегацияси ўзининг бу сафари натижаларидан жуда мамнун бўлди, деди. Нуқтаи назарларимизнинг бир-бирига яқинлашганлиги ва ҳамжиҳатлик ҳамда ишончнинг ошганлиги, деди К. Попович, шу натижаларнинг энг муҳимидир.

Мухбирлардан бири айтдики, президент Тито кеча Германия тўғрисида гапирганида, герман масаласини ҳал қилишда немис халқининг овозини эшитиш зарур бўлур эди, деди. Бу гапдан, президент Тито умумгерман сайловлари ўтказилишига тарафдордир, деган маъно чиқадими?

— Агар президент Тито шундай конкрет қарор тарафори бўлганида эди, — деб жавоб берди К. Попович, — менингча у буни айтган бўлур эди. Менинг тушунишимча, президент Тито томонидан кеча сўзланган гапнинг асосий моҳияти шуки, у, Шарқий Германия билан Ғарбий Германия ўртасида алоқалар ўрнатилишига бўлган аҳтиёжни уқтириб ўтди. Бошқарти, ҳар иккала томон, шу билан бирга, бундан манфаатдор бўлган бошқа томонлар ҳам, умумгерман сайловларини ўтказиш энг яхши иш бўлур эди, деб бамаслаҳат бир фикрга келсалар, биз, эҳтимолки, бунга қарши ҳеч бир эътироз қилмасмиз.

Югославия тинчликни мустаҳкамлашишда қандай янги тадбирлар кўрмоқчи ва шу муносабат билан Носирнинг Белградга келиши, шунингдек Ўртоқ Титонинг Корфуга борипи қандай аҳамиятга эга бўлади, деган саволга жавобан К. Попович бундай деди:

— Югославиянинг нияти ҳозирги сиёсатни ва шу вақтгача кўрсатилиб келган ташаббусни давом эттиришдан иборатдир. Сизларнинг саволингизда айтилаётган борди-келдилар, визитлар ва учрашувларнинг ҳаммаси шу сиёсат доирасига киради.

Мухбирлардан бири бундай деб савол берди: Ҳар иккала ҳукумат Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этилишига умид билдирганликлари муносабати билан бу масалада конкрет ташаббус кўрсатилади деб кутиш мумкинми?

К. Попович бундай жавоб берди: Югославия ҳукумати Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олиниши қандай аҳамиятга эга бўлиши тўғрисида ўз фикрларини айтганлиги сабабли, ўз-ўзидан равшандирки, Югославия ҳукумати бу тўғрида тегишли ташаббусни бошлаб юборади ва тегишли тадбирлар кўради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Югославия Коммунистлар Союзининг қарашлари бир-бирига яқинлашганлигига сиз қандай баҳо берасиз, деган саволга жавобан К. Попович бундай деди: Мен бундай яқинлашишга жаҳондаги барча ишчи ва прогрессив ҳаракатлар ўртасидаги ҳамкорликка қўшилган ҳисса, деб ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашишга қўшилган ҳисса, деб баҳо бераман.

Қоҳирада кўп кишилик митингда Миср бош министри Жамол Абдил Носир нутқ сўзлади

ҚОҲИРА, 20 июнь. (ТАСС). Миср миллий байрами — Мустақиллик ва Республика Куни муносабати билан кеча кечқурун Қоҳирадаги Республика майдонида кўп кишилик халқ митинги бўлди. Миллий байроқлар ва Озодлик ташкилотининг байроқлари билан чиройли қилиб безатилган жуда катта майдон пойтахт аҳолиси, вилоятларнинг делегатлари, касаба союзларининг, жамоат ташкилотларининг, ёшлар ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан лиқ тўлди. Байрамга келган меҳмонлар, чет эл делегациялари, Миср дагги чет эл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, маҳаллий журналистлар ва чет эл журналистлари митингда ҳозир бўлдилар. Миср ҳукуматининг таклифига биноан Миср келган СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов митингда ҳозир бўлди. Митингдагилар бош министр Жамол Абдил Носир бошчилигида митингга келган миллий кенгаш ва ҳукумат аъзоларини шодиёна табрикладилар.

Озодлик ташкилотининг бош секретари Иброҳим Таҳавий митингни очиб, бош министр Жамол Абдил Носирга сўз берди, у катта нутқ сўлади. Митингдагилар Миср бош министрининг нутқини гоят эътибор бериб тингладилар, неча марталаб қарсаклар чалиб ва табрик хитобларини айтиб унинг нутқини бўлиб турдилар. Носирнинг нутқи Қоҳира радиоси орқали эшитдирилди.

Жамол Абдил Носир ўз нутқида Миср иккинчи жаҳон уруши бошлангандан бери давом қилиб келаётган ҳарбий ҳолат тўғрисидаги қонунни ҳукумат бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини эълон қилди. Носир, сиёсий сабаблар билан қамоқда сақланаётган кишиларнинг ҳаммаси озод қилинди, деди. Биз деди Носир, 2000-2500 кишини қамоққа олган эдик Менимча улар бизнинг идеалларимизга қарши чиққан эдилар. Энди шу кишиларнинг ҳаммаси озод бўлди.

Миср халқи, деди Носир, ғалаба қозонди. Кўп йиллардан бери давом қилиб келган оккупацияга хотима берилди. Эндиликда бутун Миср территориясида фақат биргина Миср байроғи хилпиллайди. Биз қалбимизда эркинлик сезиб турибмиз, оталаримиз ва боболаримиз шу эркинликка эришмоқ учун курашиб келган эдилар. Эндиликда Миср бир ҳовуч эксплуататорларники эмас, балки Мисрнинг ўғиллари бўлган сизларникидир, бутун халқникидир. Эндиликда Мисрнинг хўжайини аккупациячилар ва эксплуататорлар эмас, балки сиз — халқ Мисрнинг хўжайинидир.

Биз курашнинг янги даврига кирдик. Бизнинг олдимизда турган йўл узоқ йўлдир. Бизнинг олдимизда мамлакатимиздаги қурилишнинг катта вазифалари турибди. Чет эл қўшинларини мамлакатдан чиқартириб юбориш билан революция олдига қўйилган мақсадлардан фақат биттасинигина бажардик.

Бош министр халқни мамлакатни тиклаш йўлидаги ўзининг куч ва ғайратини кўпайтиришга чақирди. Ўзимизни эркин ҳис қилаётган ҳозирги пайтда, деди у, ҳаммамиз биргалашиб социал адолатга эришмогимиз лозим. Мамлакатимизда чинакам социал адолатни таъминламоқ учун қаттиқ бел боғлаганмиз. Биз соғлом демократик турмуш учун курашмоқдамиз. Биз ишлаб чиққан конституция ўтмишда бўлганидек бир ховуч эксплуататорлар учун эмас, балки халқнинг кўпчилиги учун демократик турмушни та ъминлаб беради. Бизнинг мақсадимиз тенглик ва адолат принципларига асосланган жамият барпо қилишдир. Бу жамиятда синфлар ўртасидаги тафовутлар тугатилади.

Жамол Абдил Носир саноатни ривожлантириш ва шу негизда қишлоқ хўжалигини кенгайтириш зарурлигини уқтириб ўтди. Биз, деди у, бақувват ва замонавий индустрия барпо қилишимиз ва экин майдонларини кўпайтиришимиз лозим.

Бош министр ташқи сиёсат масалаларига тўхталиб, Миср ўз мустақиллигини ҳамма воситалар билан ва, агар лозим бўлиб қолса, охирги томчи қони қолгунча ҳимоя қилади, деди. Биз деб уқтириб ўтди у, ўзимизни чет элларнинг агрессиясидан ҳимоя қилмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз ва армиямизни мустаҳкамлайберамиз. Мамлакатимизни қуришда ва индустриялаштиришда бизга ёрдам беришни истаганларнинг ҳаммаси билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Бизда империалистик интилишлар йўқ, биз ўзимизнинг мустақиллигимизни сақлаб қолишни истаймиз ва барча араб мамлакатларининг озод қилинишини хоҳлаймиз. Биз курашнинг, мамлакатимизни индустриалаштириш учун курашнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз уч асосий принципга: территориал бутунликни ҳимоя қилиш, мустақилликни сақлаб қолиш ва ички қурилишни таъминлаш принципларига асосланади. Биз тинчлик бўлишини истаймиз ва бошқалар билан тинчликда яшашни истаймиз. Ҳеч бир кимсага бизни ўзининг таъсир доираси деб ҳисоблашига асло йўл қўймаймиз ва чет мамлакатлардан туриб бизга буйруқ қилинишига ҳам йўл бермаймиз. Бизнинг ташқи сиёсатимиз, чет мамлакатларнинг мақсадларига хизмат қилмайди. Биз оккупациядан халос бўлиб, эркинликни ўз қулимизга олган ҳозирги пайтда бутун дунёга — Америкага, Россияга, Англияга, — бизнинг ташқи сиёсатимиз миллий манфаатларга хизмат қилади, деб айтмоқдамиз. Биз ҳамма билан ҳамкорлик қиламиз, лекин бунинг учун миллий мустақиллигимизни қурбон қилмаймиз ва бошқа араб мамлакатларига зарар етадиган ишларни қилмаймиз. Биз давлатларни бир-биридан фарқ қилмай ва биз билан тинчлик муносабатларида бўлишни истаганлар билан тинчлик муносабатларида бўлиш принципига амал қилиб, Россия, Америка, Англия билан ҳамкорлик қилаберамиз.

„Пахтакор" командасининг иккинчи мағлубияти

Яқинда Ереванда мамлакат биринчилиги учун «Б» класс бўйича навбатдаги футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Бунда Ереван футболчилари билан Ўзбекистон «Пахтакор» командаси учрашди.

Ўйин 1:0 ҳисоби билан Ереван командаси фойдасига ҳал бўлди. Бу — «Пахтакор» командасининг 1956 йилдаги иккинчи мағлубиятидир.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/VI да **Галька**, 23/VI да **Аида**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 22/VI да **Азиз** ва **Санам**, 23/VI да **Нурхон**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 23/VI кеч соат 9 да **Концерт**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Саҳнада**, кеч соат 10 да **Рўёбга чиқмаган орзулар**.

«ИСКРА» — кундуз **Саҳнада**, кеч соат 9 дан **Отелло**. 3-залда кеч соат 8 — 20 ва 10 — 20 минутда **Довул**.

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Саҳнада**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», «ХИВА», «ИСКРА» (Кафанов номли парк), «УДАРНИК», — **Саҳнада**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

(қишки бино)

22, 23, 24 июнда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

А. Гинзбург инсценировкаси

Ганг дарёсининг қизи

Асқад Мухтор таржимаси.

Ҳинд адабиёти классиги **Рабиндранат Тагорнинг «Емирилиш»** деган романи асосида ёзилган.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **А. О. Гинзбург**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Ҳ. Икромов**, композитор — **С. Юдаков**.

Тошкент шаҳрида енгил таксомоторлардан фойдаланиш қоидалари тўғрисида

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1956 йил 4 май № 6 Тошкент шаҳри.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент шаҳрида енгил таксомоторлардан фойдаланиш тўғрисида қуйидаги қоидаларни тасдиқлади.

I УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Енгил таксомоторлар якка тартибда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.

Енгил таксомоторларни бошқа машиналардан ажратиш учун уларнинг иккала ён томонига шашка шакли туширилган бўлиб, йўл ўлчовчи таксометр ва махсус ёруғлик сигнали билан таъминлангандир.

2. Енгил таксомоторлар шаҳар доирасида ва унинг ташқарисида 50 километргача жойга қатнайди. Бундан ошиқ масофага бориш зарур бўлганда, таксомотор паркининг деспетчеридан рухсат олиш шарт.

3. Енгил таксомоторга пассажирлар қуйидаги сонда чиқиши мумкин:

ГАЗ М-20 га — энг кўпи 4 киши;

ЗИМ-12 га — энг кўпи 5 киши.

4. Енгил таксомоторда юриш тарифи қуйидагича белгиланган:

ГАЗ М-20 да — йўлнинг 1 километрига 1 сўм 50 тийин, тўхтаб турган ҳар соатига — 15 сўм;

ЗИМ-12 да — йўлнинг 1 километрига 2 сўм, тўхтаб турган ҳар соатига — 20 сўм.

5. Енгил таксомотор фақат тош терилган тузук йўлда қатнаши мумкин. Бузуқ йўлдан қатнаш тақиқланади.

6. Енгил таксомоторга маст, ифлос кийимли ва рухсат қилинмаган багажли кишиларнинг чиқиши мумкин эмас.

7. Енгил таксомоторда кесувчи, портловчи, тез алангаланувчи, ўткир, бадбўй, бошқаларнинг кийимини ифлос қиладиган, автомобилнинг ички жиҳозини бузадиган ва ифлос қиладиган буюмлар, ҳайвон ва парранда, шунингдек бошқа пассажирларни танг қиладиган багаж олиб бориш мумкин эмас. Булардан фақат итлар мустасно бўлиб, уларни оғзига тўр тутган ҳолда олиб бориш мумкин.

II. ЮРИШ ҲАҚИ

1. Енгил таксомотордан фойдаланиш ҳақи босилган ҳар километр учун белгиланган тарифга мувофиқ таксометр кўрсатган маълумот юзасидан олинади.

2. Енгил таксомотордан бир йўла бир неча пассажир фойдаланган тақдирда, ҳар бир пассажирдан таксомотор кўрсатган умумий суммани ҳамма пассажирга бўлиш натижасида тушган ҳиссаси олинади.

3. Шофер таксомотордан фойдаланувчи пассажир билан сафар тамомланганидан кейин ҳисоблашади. Шаҳар ташқарисига борилган тақдирда, пассажир йўл ҳақини таксомоторга чиққан вақтда тўлайди.

4. Пассажирнинг талаби билан таксомотор маълум вақт тўхтаб туриши зарур бўлса, пассажирдан бунинг учун аванс олинади.

III. ПАССАЖИРЛАРНИНГ ТАКСОМОТОРГА ЧИҚИШ-ТУШИШ ТАРТИБИ

1. Пассажирлар енгил таксомоторга қуйидагича чиқадилар:

а) машиналарнинг тўхташ жойида, навбат билан (навбатни пассажирларнинг ўзлари кузатишлари лозим);

б) тўхташ жойларидан ташқарида — қўлни кўтариб сигнал бериш йўли билан. Таксомоторларга уларнинг тўхташи учун белгиланган жойлар яқинида чиқиш тақиқланади. Тўхташ жойларидан ташқарида таксомоторларнинг бўшлигини кўрсатувчи аломат машинанинг олдинги ўнг томонидаги ойнаси ёнида ёниб турган яшил сигналдир. Машина банд бўлса, бу жойда қизил чироқ ёнади;

в) бахтсиз ҳодисалардан шикастланган кишилар, мактабгача ёшдаги болалар билан бораётганлар, ҳомиладор хотинлар, майиблиги кўриниб турган кишилар енгил таксомоторга навбатдан ташқари чиқиш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

г) пассажирлар таксомоторни телефон орқали чақиришлари ёки диспетчерлик пунктига шахсан келиб заказ беришлари мумкин. Таксомоторни 2 километргача жойга чақирганлик учун ҳақ тўланмайди. Машина бундан ошиқ масофага чақирилса, таксометр кўрсатган маълумотга қараб ҳақ олинади;

д) пассажир енгил таксомоторни энг кўпи бир соатдан ошмаган вақтга тўхтатиб туриши мумкин.

IV. ПАССАЖИРЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚОИДАЛАР

Пассажирларга: ҳаракат вақтида автомобилнинг эшигини очиш, машина ҳайдовчини сўзга солиб, диққатини чалғитиш, автомобилни ифлос қилиш тақиқланади.

Пассажирлар таксометрнинг ишлатилишини шофердан талаб қилишлари, ундан хушмуомалаликни талаб қилиш билан бирга ўзлари ҳам хушмуомала бўлишлари лозим.

V. ШОФЕРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Енгил таксомотор шоферидан қуйидагилар талаб қилинади:

а) пассажирларни навбат билан ўтқазиш (навбатга уларнинг ўзлари риоя қилади);

б) пассажир таксомоторга чиқиши биланоқ таксометрни ишга солиш;

в) пассажир айтган пунктга энг қисқа йўлдан бориш;

г) пассажирларни автомобилдан тушиш ва йўлда ўзларини тутиш қоидалари билан таништириш;

д) йўлда автомобилнинг тоза аҳволда бўлишини кузатиш;

е) пассажирлар билан хушмуомалада бўлиш;

ж) пассажирнинг талабига мувофиқ, ўз фамилиясини, автопаркнинг адреси ва телефон номерини айтиш;

з) сафар тамомланиб, автомобиль тўхтагандан кейин, таксометрни «Касса» (К) деган томонга буриш ва счётчикнинг кўрсатишига қараб йўл ҳақини айтиш. Пассажир билан тамоман ҳисоблашмасдан туриб счётчикни тўхтатиб қўйиш тақиқланади;

и) йўл-йўлакай пассажирларни фақат автомобилга биринчи бўлиб чиққан пассажирнинг рухсати билан олиш;

к) тўхташ жойида бир неча таксомотор турган тақдирда, уларнинг ишида навбатни кузатиш.

VI. ТАКСОМОТОРЛАРНИНГ ИШИ УСТИДАН КОНТРОЛЬ ВА ҚОИДАЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Таксомотор қатнайдиган йўлларда унинг ишини милиция органлари, линия контролёрлари ва махсус гувоҳномалари бўлган кишилар контроль қилади.

2. Таксомоторни текширганда, 5 минутдан ошиқ тўхтатилмаслиги лозим.

3. Пассажирлар тушган таксомоторда таксометрнинг ишга солинмаганлиги билинса, шофер қонун юзасидан жавобгар бўлади.

4. Ушбу қоидаларни салгина бузган, шунингдек енгил таксомоторда юриш ҳақини тўлашдан бош тортган ёки ўз вақтида тўламаган пассажир жойнинг ўзида 3 сўмгача штраф тўлайди. Қоидани бузувчи бу штрафни жойнинг ўзида тўлашдан бош тортса, милиция бўлимининг бошлиги ундан 3 баравар миқдорда олади.

Бошқа ҳолларда эса, бу қоидаларни бузишда айбдор бўлган кишилар маъмурий комиссиянинг қарорига мувофиқ, 100 сўмгача штраф тўлашга ёки бир ойгача муддат билан мажбурий ишга тортиладилар.

5. Автомобиль ёки унинг ускунасини бузганлик учун қонун билан белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

6. Бу қоидаларнинг бузилишини кузатиш милиция органларига ва таксомоторлар парки ходимларига юкланади.

7. Шу мажбурий фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри доирасида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг ранси
М. Т. ТУРСУНОВ.

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг масъул секретари
Б. П. ПАРФЕНОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03878. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1461.